

Энг тақволиси

08:05 / 29.12.2017 3296

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, одамларнинг энг мукаррами ким?» дейишди. У зот: **«Энг тақволиси»**, дедилар. «Сиздан бу ҳақда сўраётганимиз йўқ», дейишди. У зот: **«Ундай бўлса, у Юсуф Набиюллоҳ ибн Набиюллоҳ ибн Набиюллоҳ ибн Халилуллоҳдир»**, дедилар. «Сиздан бу ҳақда ҳам сўраётганимиз йўқ», дейишди. У зот: **«Унда араб маъданлари* ҳақида сўраяпсизларми? Уларнинг жоҳилиятдаги яхшилари Исломда ҳам яхшиларидир, агар фақиҳ* бўлсалар»**, дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Изоҳ: «Набиюллоҳ» – Аллоҳнинг набийси дегани. Юсуф алайҳиссаломнинг ўзлари ҳам, оталари Яъқуб алайҳиссалом ҳам набий бўлишган, у кишининг отаси Исҳоқ алайҳиссалом ҳам набий бўлганлар. Халилуллоҳ – Исҳоқ алайҳиссаломнинг отаси Иброҳим алайҳиссаломнинг лақабидир.

* Маъдан – наслнинг бошланиш нуқтаси.

* Фақиҳ – шариат илмларини яхши биладиган, уларнинг моҳиятини теран ва тўғри тушуна оладиган олим.